



ЦИСТАНХЕ (CISTANCHE) ЎСИМЛИГИНИНГ ДОРИВОР ХУСУСИЯТЛАРИ

Облокулов Шавкат Шайимович


*Бухоро давлат тиббиёт институти
Биокимё кафедраси ассистенти. Ўзбекистон.*



Аннотация: Цистанхе ўсимлиги Жанубий ва Марказий Осиё чўлларида ўсадиган ўсимлик бўлиб, таркибида кўплаб физиологик фаол моддалар сақлайди. Цистанхенинг дориворлик хусусияти женшенга нисбатан бир неча марта юқори. Шундай бўлсада, унинг таркиби ва инсон организмида кечадиган биокимёвий жараёнларга таъсири кам ўрганилган. Ушбу мақолада цистанхенинг фармацевтик хусусиятлари ва унинг таркибидаги моддалар тўғрисида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Цистанхе (лат. *Herba Cistanche*), Шумғиядошлар, текинхўр (паразит) ўсимлик, зерзамин, олтин томир, шўрхок цистанхе (лат. *Cistanche salsa*), чўл цистанхеси (лат. *Cistanche deserticola*), цистанхедан фиточой тайёрлаш.

Цистанхе – кўп йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, асосан чўл, чала чўл ва шўрхок худудларда ўсадиган жузғун, саксовул қаби ўсимликларнинг илдизида текинхўрлик (паразит ўсимлик, лат. *Orobanchaceae* Vent), қилиб ўсувчи ўсимлик ҳисобланади. Бўйи 40-50 см, пояси жуда калта, нисбатан каттароқ гуллари ўсиш ареали ва турига қараб сариқдан бинафша ранггача бўлади. Ҳозирги вақтда шимолий Африкадан бошлаб то Хитой чўлларигача бўлган жуда катта ареалда ушбу ўсимликнинг камида 27 тури ўсиши аниқланган. Шундан 7 тури Марказий Осиё худудида ўсади. Ўсимлик март-апрел ойларида униб чиқади. Бунда асосий озиқ манбаси бўлиб, чўл бута ва дарахтлари асосан саксовул хизмат қиласи. Ер тагида унган цистанхе ўзига яқин жойлашган саксовул илдизига мустаҳкам ёпишиб, ундан оладиган минерал озиқ модда ва сув ҳисобига ердан униб чиқади ва ўсади. Ўсимлик апрел-май ойларида баъзи хиллари июн ойида гуллайди, август ўрталарида уруғи пишиб етилади. Бошоқсимон қўринишда гуллайди. Гулли қисми поясига нисбатан 80-90 фоизни





ташкил этади. Гуллари қўнғироқсимон, узунлиги 3-5 см, гулкосалари йирикроқ, цилиндрсимон, қайрилган. Чангчилари тукли, узунлиги 3-4 мм. Гуллари ранги сарик, пушти, бинафша ранг. Унинг таркибидаги доривор моддаларнинг энг кўп тўпланиш вақти гуллаш даврининг охирги фазасига тўғри келади. Доривор моддалар цистанхенинг кўримсиз ва жуда калта поясида айниқса кўпроқ тўпланади.

Цистанхе ўсимлигининг доривор хусусиятлари инсониятга қадимдан маълум бўлиб, Марказий Осиё, Хитой, Ҳиндистон халқ табобатида ишлатилган. Бунда асосан ўсимликнинг поя қисмидан фойдаланилган.

Ҳозирги вақтда цистанхе ўсимлиги Марказий Осиёнинг Қозоғистон Ўзбекистон давлатларида чўл ва чала чўл худудларидан йифиб олиниб, Япония, Хитой ва бошқа жануби-шарқий Осиё мамлакатларига етказиб берилмоқда. Биз яшаётган Бухоро вилояти худудида асосан ўсимликнинг “*Cistanche ambigua*” ва “*Cistanche salsa*” турлари ўсади. Цистанхе ушбу турларининг ҳам дориворлик хусусиятлари юқори бўлиб, антиоксидантлик, нейропротекторлик, иммунитетни мустаҳкамловчи хоссаларга эга.

Цистанхе ўсимлигининг таркиби бўйича Хитой ва Япония олимлари бир қанча изланишлар олиб боришган ва унинг таркибида фенол ҳосилалари, шу жумладан физиологик фаол моддалар ҳисобланган эхиакозидлар, ацетозидлар, флаваноидлар ва цистанозидлар мавжудлиги, бу моддалар билан кемирувчиларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида уларнинг антиоксидантлик, нейропротекторлик, яллиғланишга қаршилик кўрсатувчи ва иммун тизимиға ижобий таъсир этувчи хусусиятга эга эканлигини аниқлашган.

Цистанхе ўсимлиги вегетациясининг ўсимлик гуллаган даври унинг поя қисмida доривор моддаларнинг энг кўп тўпланган давр ҳисобланади. Шу сабабли ўсимлик айни гуллаган даврида унинг ер устки қисмлари йифиб олиниб, тупроқ қолдиқларидан тозаланади ва поя қисми кесиб олиниб, соя жойда, очиқ ҳавода қуритилади. Қуритилган ўсимлик қисмлари қуруқ жойда, қофоз қолларда сақланади. Одатда қуритилган цистанхе поялари таркибидаги фаол моддалар 2 йилгача ўз хусусиятларини сақлаб қолади.

Цистанхенинг доривор хусусиятлари Марказий Осиё худудида 2000 йиллар олдиндан маълум бўлиб, халқ медицинасида табиблар томонидан сийдик йўллари яллиғланиши касалликларида, жинсий заифлик, беспуштлик, умумий ҳолсизлик каби ҳолатларда кенг қўлланилган. Бунда асосан ўсимлик қайнатмаси ва экстракти ишлатилган. Ҳозирги вақтда эса, халқ медицинасида цистанхе сийдик йўллари яллиғланиши, сифилис, нефрит ва пиелонефритларда, буйрак тош касалликларида самарали қўлланилиб келинмоқда.

Цистанхе ўсимлиги дунё бўйича қуриган ҳолда бир йилда ўртacha 100 тонна атрофида йифиб олинади ва асосан Хитой ва Японияга етказиб берилади. Қозоғистонда фиточой қўринишида қадоқлаш ишлари ҳам йўлга қўйилган.





Цистанхе ўсимлигидан табиий фиточой тайёрлаш учун фақат табиий бўлган, сунъий бўёқ ва тўлдирувчи компонентлар қўшилмаган ўсимлик илдизпоясининг қуритиб майдаланганидан бир чой қошиқ олиниб 200 мл қайнаган сувга солиниб 10-20 минут ўраб қўйилади. Тайёрланган дамламадан кунига қўпи билан 100 мл ичиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Цистанхе дамламаси инсон хотирасини ва ақлий қобилиятини мустаҳкамловчи, тинчлантирувчи хусусиятларга эга бўлиб, бош мия нейронларининг фаолиятини мувозанатлашда ва уларни эркин радикаллардан ҳимоялашда ўзининг самарали таъсирини намоён қиласди.

Цистанхе минг йиллар мобайнида халқ медицинасида ишлатилиб келинсада, ҳали унинг таркиби тўлиқ ўрганилмаган. Шу сабабли, ушбу ўсимликнинг доривор хусусиятларини, таркибидаги моддаларнинг инсон организмига ижобий ва салбий таъсир этиш механизмларини ўрганиш бўйича имлий изланиш ва тадқиқотлар ўтказишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абу Али ибн Сина. “Тиб қонунлари” 1,2-жилд.1975 й. Тошкент
2. М.Д.Машковский, “Лекарственные средства” 1-2 томах. 1988. Медицина. Москва.
3. С.Южаков, “Современные лекарственные средства”.Словарь-справочник. 2008 г. Москва
4. Соколов С.Я. Фитотерапия и фитофармакология. Руководство для врачей-Москва, медицинское информационное агентство, 2000г.
5. Флора Узбекистана, Том -5. Ташкент-1961 г.
6. Павлов Н.В. Флора Казахстана, том 8, - Алма-Ата. - 1965.
7. Терехин. З.С. Паразитные цветковые растения: эволюция онтогенеза и образа жизни. Л.: Наука, 1977 .
8. Дикорастущие полезные растения России – Санкт-Петербург, 2001г.
9. Ходжиматов К.Х. Апрасиди Г.С. Ходжиматов А.К. Дикорастущие целебные растения Средней Азии. Ташкент. 1995г.
10. Абдинязова Г.Ж. Қорақалпоғистон Республикасининг доривор ўсимликлари. Монография. Тошкент-2017г.
11. Ходжиматов А.К. О запасах перспективного лекарственного растения Cistanhe salsa G/Beck. Биоразнообразие в растительном мире Узбекистана. Проблемы и достижения- материалы научно-практической конференции. Кариш 2018г.
12. <https://uz.wikipedia.org/>

